

Майитни таҳорат қилдириш | Фиқҳ дарслари (268-дарс)



19:00 / 08.02.2024 3061

Ҳанафий мазҳаби бўйича, майит таҳорат қилдирилади. Аввал ундан нажас ва нопок нарсалар кетказилади. Сўнгра олд ва орқа авратлари латта билан ювилади. Аммо оғзига ва бурнига сув олдирилмайди. Кейин таҳорат охирига етказилади.

Майитни ғусл қилдириш

Таҳорат қилдириб бўлгандан кейин боши ва соқоли ювилади. Майитнинг ғусли ҳам худди тирикнинг ғуслига ўхшайди. Майитнинг оғзини очмасдан мисвок қилдирилади. Тирноқларининг ости ҳам покланади.

Сўнгра уни чап ёни или ёнбошлатиб, ўнг томони ювилади. Кейин худди шу тарзда чап тарафи ювилади. Бу вожиб бўлган ювишdir.

Ғуслни уч марта такрорлаш мандубдир. Кейин қуруқ латта билан танаси қуритилади. Бошига ва соқолига хушбўй нарса қўйилади. Сажда қиладиган аъзоларига кафур суртилса ҳам бўлади.

Майитнинг сочи ва тирноғи олинмайди. Аёл кишининг сочи ўриб қўйилади.

Эркак учун кафанинг суннати изор, кўйлак ва лифофадир

نَفْكَ :َرُمَسْنْبُرْجَلَاق
هُنَعُولَالِي ضَرَهَلَالُوسَر
صَيْمَقْ :َبَأْوَثَأَتَالَث يَف
يَدَعْنْبَأَوَرَهَفَلَوَرَازَإَو

Жобир ибн Самурадан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни уч кийимда: қўйлак, изор ва лифофада кафандилар».

Ибн Адий ривоят қилган.

Салла ҳам бўлса, яхши. Унинг кифоя кафани изор ва лифофадир.

Аёлга химор - рўмол ва икки кўкраги устидан боғланадиган латта зиёда қилинади. Кафанинг ёйилиб кетиши хавфи бўлса, уни боғланади.

Иккинчи фарз - майитни кафандаш.

Майитни кафандаш мусулмонлар жамоаси зиммасидаги фарзи кифоядир.

Кафандаш маблағидан қилинади. Агар унинг ўз маблағи бўлмаса, аёл кишининг кафани ва бошқа дағнинги харожатлари эрининг зиммасига тушади.

Майитнинг нафақасини қиладиган одам топилмаса, байтул мол ёки қодир мусулмонлар масъул бўладилар.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли холосаси асосида чоп этилган.